

## The Educational Significance of the Scholarly Heritage of Great Thinkers

**Azimova Lola Karimovna,**  
**Associate Professor of the Department of "Uzbek and Foreign Languages"**  
**of the International Academy of Islamic Studies of Uzbekistan**

**Abstract.** In the thesis, the works of scholars who lived and worked in our country, their rich spiritual and educational heritage were analyzed. Philosophical and mystical views advanced by scholars in their scientific and literary heritage were analyzed through excerpts from their works. Also, his views and philosophical observations on the sciences of tafsir, hadith, kalam, Sufism, and Aqeedah were explained through generalizations based on examples.

**Keywords:** heritage, science, enlightenment, art, lore, philosophical, work, creativity, spirituality, love.

**Аннотация.** Тезисда юртимиздан яшаб ижод этган алломалар ижоди, уларнинг бой маънавий-маърифий мероси таҳлилга тортилган. Алломалар илмий ва адабий меросида илгари сурган фалсафий, ирфоний қарашлари асарларидан олинган парчалар орқали таҳлил қилинган. Шунингдек, тафсир, ҳадис, калом, тасаввуф, ақида илмлари борасидаги қарашлари, фалсафий мушоҳадалари мисоллар асосида умумлашма фикрлар орқали шарҳланган.

**Калит сўзлар:** мерос, илм, маърифат, санъат, ирфон, фалсафий, асар, ижод, маънавият, муҳаббат.

Минтақамиз алломаларининг илм-фан, маданият, адабиёт, санъат, ислом илмлари ривожига қўшган ҳиссаси беқиёсдир. Хусусан Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Маҳмуд Замахшарий, Бурҳонуддин

Марғиноний, Қафғол Шоший, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Мустамлий Бухорий, Колободий Бухорий, Нажмиддин Кубро, Ҳаким Термизий, Аҳмад Яссавий ва бошқа кўплаб иждокор-алломаларимизнинг илм, маърифат ривожига қўшган ҳиссасини тилга олиш мумкин. Ҳар бир аллома ёки иждокор ўз даври учун бой илмий ва иждодий мерос қолдирган.

Маълумки, юртимиз алломалари иждоди, уларнинг асарлари хилма хил ва кенг фалсафий мушоҳадага бой мерос ҳисобланади. Хусусан буюк муҳаддис Имом Бухорий ҳадис илми билимдони бўлибгина қолмай, балки тафсир илми ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшган аллома саналади. Олим “ал-Жомийъ ас-саҳих” асарида тафсирга оид ҳадисларни ҳам жамлаган бўлиб, алоҳида тафсирга бағишлаган “Қуръон тафсири китоби”ни ҳам ёзган, унинг бобида, “Фотиҳа” сурасини тафсир қилиб, унда Абу Саид ибн Муаллодан ривоят қилинган Қуръоннинг энг улуғ сураси “Фотиҳа” экани тўғрисидаги ҳадисни келтириб ўтган. Шунингдек, мазкур бобда, жами 358 та оятга шарҳ берган[1:149]. Бундан кўринадики, муҳаддис, фақат ҳадис илми билан чекланмай, балки муфассир олим сифатида тафсир илми борасида ҳам ўзининг қимматли илмий қарашларини баён этиб кетган.

Араб тили грамматикасини чуқур ўрганиб, арабларга ўз тилидан сабоқ берган ва “Хоразм фаҳри”, “Араб ва ғайри араблар устози” деган юксак номларга сазовор бўлган буюк ватандошимиз Маҳмуд Замахшарий фаолияти ҳам ўзига хос ва араб тилшунослигини ўрганишда алоҳида ўринга эга. Замахшарий тафсир, ҳадис, адабиёт, фикҳ илмлари бўйича ҳам бебаҳо асарлар яратган йирик олимдир. Айниқса, машҳур “ал Кашшоф” асари дунёнинг ислом олий даргоҳларида Қуръон тафсирига оид муҳим дарслик сифатида ўқитиб келинади.

Шунингдек, Хожагон тариқати асосчиси, ориф зот Абдуҳолиқ Ғиждувоний ирфоний қарашлари ҳам ўзининг маърифий аҳамияти юқори эканлиги билан

ажралиб туради. Аллома юксак инсоний сифатларни, умуминсоний ғояларни ўз асар ва ўғитларида илгари сурган. Хусусан, “Васиятнома” рисоласида, “Эй, фарзанд! Мен сенга барча ҳолатларда илм, адаб ва тақвода бўлишингни васият қиламан! Ўтган уламоларнинг изидан юришинг лозим. Аҳли суннат ва жамоатнинг мулозими бўл!”, дея комиллик ва етукликка чақиради. Ғиждувонийнинг илмий-адабий меросида камтарликка, ҳалол меҳнат қилиш, халқ дарди билан яшаш, умрни кадрлаш, хотиржамликка даъватни кўрамиз. Ул зот қарашларида халқ билан бўлиш, касб-ҳунар орқали инсонларга манфаати етиш, эзгулик қилиш ғояси илгари сурилади. Чунончи, ўғитларида “Халқ оғирини енгиллатиш лозим, бу муяссар бўлмаганда ҳалол касб-ҳунар эгаллаб, даст ба кор ва дил ба ёр ҳолатида бўлмоқлик амри муқаррар турар”, дейди [2:25].

Тасаввуф таълимотининг илмий-назарий асосларини ҳамда комил инсон концепциясини ўз асарлари орқали тадқиқ этган, баъзида амалий ҳаётида яшаб, сўфий, ориф, орифуллоҳ мақомига етган буюк аждодларимизнинг жамият маърифий такомили ривожига кўшган ҳиссасини ҳам алоҳида таъкидлаш мумкин. Хусусан, Калободий Бухорийнинг тасаввуф илмига бағишланган “ат-Таърруф ли-мазҳаб аҳл ат-тасаввуф” (“Тасаввуф аҳли йўли билан танишув”) мўъжаз асарига Мустамлий Бухорий жавобан “Шарҳ ат-Таърруф ли-мазҳаб ат-тасаввуф” (“Тасаввуф йўли билан танишув” асарига шарҳ”) номли кенг шарҳ ёзиб, тасаввуф назарияси бўйича яхлит ва мукамал маълумотларни асослаб берди. Аллома тасаввуфий истилоҳларни атрофлича тушунтирар экан, ҳар бир тушунча изоҳида охир-оқибат комил инсон сифатлари мужассамини кўрамиз. Жумладан, аллома ёзади: “...Муҳаббат йўқ жойда маърифат ҳам бўлмайди. Маърифат бўлмаган жойда эса, иймон ҳам йўқдир”, дейди [3:149]. Муҳаббат деганда, илоҳий муҳаббатга олиб борадиган барча эзгу фазилатларга эга бўлиш назарда тутилмоқда. Яхши сифатларга эга бўлган инсонда маърифат, яъни билим бўлади.

Аллома маърифат тушунчасини мукаммал даражада Аллоҳни билиш, таниш, унга муносиб банд бўлиш сифатида баҳолайди. Таъкидлаш лозимки, ўша даврда, тасаввуф илмига нисбатан турли салбий фикрлар юзага келган пайтда, асар ана шундай қарашларга холис ва илмий баҳо бериш мақсадида ёзилган.

Умуман олганда, алломаларнинг илмий-маърифий мероси бой ва хилма-хил бўлиб, ахлоқий-тарбиявий жиҳатдан юқоридир. Улар меросининг мазмун-моҳияти баркамол, етук инсон бўлишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Зеро, неча асрлар давомида ахлоқий тарбиявий вазифани амалга ошириб келган мазкур бебаҳо мерос яна неча асрлар ўтса ҳамки, ўз маърифий аҳамиятини йўқотмаган ҳолда жамият ва инсон маънавий ривожини учун хизмат қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Махсудов Д. Мовароуннаҳр ҳанафий мазҳаби тафсириларининг қиёсий таҳлили (XIII-XV асрлар): Тар. фан. док.. дисс. – Т.: ЎзХИА, 2020.
2. Абдуҳолиқ Ғиждувоний. Васиятнома. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат, 1993.
3. Раҳимов К. Мовароуннаҳр тасаввуфи тарихи: таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VIII-XI асрлар). – Т.: Akademnashr, 2020.
4. Azimova L. Markaziy Osiyo mutafakkirlari merosining ma'rifiy ahamiyati // Markaziy Osiyoda islom sivilizatsiyasi: o'tmish va hozirgi zamon va xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plami, 2025-yil, sentabr. 2025.